

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
№ 9- СОНЛИ КЕНГАШ БАЁННОМА ҚАРОРИ

Тошкент ш.

24 апрел 2019 йил

Раис – профессор Ж.А.Ризаев

Котиб – доцент А.А.Юлдашев

Институт Кенгаш раиси, профессор Ж.А.Ризаев қуйидаги кун тартиби асосида кенгаш мажлисини очди:

Кун тартиби:

1. Юкори малакали мутахассисларни тайёрлашда клиник йўналишдаги фанларда горизонтал ва вертикал интеграциянинг ҳолати.(ахборот)

Ахборотчи: Секция раислари.

2. Битирувчи курс магистрлари диссертацияларининг бажарилиш ҳолати.

Маърузачи: Магистратура бўлими бошлиғи Б.Ярмухамедов.

3.Институт касаба уюшмаси фаолияти.

Ахборотчи: Институт касаба уюшмаси қўмитаси раиси А.Хасанов.

4.Институтда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчи ходимлар ҳамда талаба ёшларнинг интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари тўғрисида.

Ахборотчи: АКТ бошлиғи У.Исмоилов.

5. Профессор ва ўқитувчиларни танлов асосида лавозимга сайлаш.

6. Ўқув-услубий ишларни тасдиқлаш.

7. Турли масалалар

Кўриб чиқилган кун тартибидаги иккинчи масала: Битирувчи курс магистрлари диссертацияларининг бажарилиш ҳолати.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Магистрлик диссертациялар йўналишлари бўйича олиб борилаётган илмий-тадқиқот изланишларида мавзулар ва тадқиқотлар стоматология соҳасига зарур бўлган асбоб ускуналар, дори воситалари ва ашёларини маҳаллийлаштиришга қарағилиши таъминлансин.

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор,
Магистратура бўлими бошлиғи, барча кафедра мудирлари
Муддат – доимо**

2. Олиб борилаётган илмий изланишларни мукамаллаштириш, ўзбек илмий мактабини хорижга таништириш мақсадида, илмий раҳбар ва талабалар томонидан етакчи хорижий (Европа, Осиё ва Океания давлатлари) олийгоҳлар ва илмий марказларида изланишнинг бир қисмини (боққичини) бажарилиши таъминлансин:

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор,
Магистратура бўлими бошлиғи, барча кафедра мудирлари
Муддат – йил давомида**

3. Магистрлик диссертацияларини режалаштириш ва ўтказишда институтнинг ҳамкор хорижий олийгоҳ ва илмий марказлари мутахассисларини илмий маслаҳатчи сифатида жалб этилиши асосий шарт сифатида тадбиқ этилсин

**Масъул – Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор, Магистратура бўлими
бошлиғи, барча кафедра мудирлари
Муддат – Доимо**

Қарор овозга кўйилди ва бир овоздан қабул килинди.

Ушбу қарорнинг бажарилишида назорат килиш Илмий ва инновация ишлари бўйича проректор Р.А.Амануллагаев ва илмий тарбиявий ишлар бўйича проректор А.Хайдаров зиммасига юклатилсин.

Институт кенгаш раиси,
профессор



Ж.А.Ризаев